

«Тасдиқлайман»

Элликкалға туман тиббиёт бирлашмаси

Бошлиғи.Х. Атаниязов

«19» Январ 2022 йил

Элликкалға туман Тиббиёт бирлашмасига 2022 йил январ ойи озик-овкат махсулотларини харид қилиш бўйича талабгор пудратчи ташкилотлар танловини ўтказиш бўйича танлов комиссияси йиғилишининг 3/1 сонли

БАЁННОМАСИ

Бўстон шаҳри

2022 йил «19» Январ

Комиссия раиси: Х. Атаниязов - Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

Комиссия аъзолари: Б. Аннаев - Бош врач ўринбосари

Б. Якубов - Бош ҳисобчи

Ф. Айитов - Озик-овкат омбори мудир

КУН ТАРТИБИ:

Комиссия аъзолари томонидан 2022 йил бюджет маблағларидан ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тиббиёт бирлашмасига 2022 йил январ ойи озик-овкат махсулотларини харид қилиш зарурлиги айтиб ўтилди. Ушбу 2022 йил январ ойи озик-овкат махсулотларини харид қилиш бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчилар МЧЖ «Жасурбек-йигит» ва «Бустон Хунарманд» МЧЖ ҳамда МЧЖ «Юнусбек-Шаҳриёр» ларнинг такдим қилинган тижорат таклифларини кўриб чиқилади. Элликкалға туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи сўзга чиқиб нархлари ва озик-овкат махсулотларини етказиб бериш МЧЖ «Жасурбек-йигит» нинг таклифи маъқул келишини айтиб ўтди.

Унга кўра қуйдаги Товар (иш хизмат)ва махсулотлар етказиб берувчилардан қуйдагича таклифлар тушди:

№	Товар иш хизматлар номи	Лот номери санаси ва бошланғич суммаси	Мик Дори	МЧЖ «Жасурбек-йигит»	МЧЖ «Бустон Хунарманд»	МЧЖ «Юнусбек-Шаҳриёр»
Ташкилот манзили:				Элликкалға тумани Бустон ш Узбекистон кучаси	Элликкалға тумани Бустон. ш С.Айний	Элликкалға тумани Бустон ш хунармандлар шаҳарчаси
Ташкилот СТИРИ				300795554	305151039	306547287
1	Элликкалға туман Тиббиёт бирлашмаси		1	4 200 000	4 350 000	4 500 000
2	муддати			2 кун	3 кун	3 кун
ЖАМИ:				4 200 000	4 350 000	4 500 000
Алоҳида шартлар				Сифатли хизмат қилиш талаб қилинади.		

СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:

Юқоридаги таклифлар билан танишиб чиқиб, музокарага туман Тиббиёт бирлашмаси ҳисобчиси Б. Якубов, туман Тиббиёт бирлашмаси даволаш ишлари бўйича Рахбар муовини Б.Анна сўзга чиқиб, юқоридаги талабгор ташкилотлар ичидан МЧЖ «Жасурбек-йигит» нинг таклифи 2022 йил январ ойи озиқ-овкат махсулотларини етказиб бериш таклифи маъқул келишини айтиб ўтдилар.


Кун тартибидаги масала бўйича билдирилган таклиф-мулоҳазалардан келиб чиқиб, танлов комиссияси томонидан

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Эллиққалъа туман Тиббиёт бирлашмасига 2022 йил январ ойи озиқ-овкат махсулотларини харид қилиш 4 200 000 (Тўрт миллион икки юз минг) сўмга, 2 кун муддатда МЧЖ «Жасурбек-йигит» томонидан 2022 йил январ ойи озиқ-овкат махсулотларини етказиб беришига берган таклифи қабул қилинсин ва талабгор ташкилотлар танлови ғолиби деб топилсин.

2. Тиббиёт бирлашмаси бош ҳисобчиси Б. Якубовга МЧЖ «Жасурбек-йигит» нинг вакилини икки томонлама шартномаси тузишга таклиф қилсин.

Комиссия раиси:

 Х. Атаниязов

Комиссия аъзолари:

 Б. Аннаев

 Б. Якубов

 Ф. Айитов

№	Ташкилот nomi	Маъмурий раҳбар	Сўм	Ўзбекистон Республикаси	Ўзбекистон Республикаси
1	МЧЖ «Жасурбек-йигит»	Б. Якубов	4 200 000	Ўзбекистон Республикаси	Ўзбекистон Республикаси
2
3
4
5
6
7
8
9
10

ОЛДИ – СОТДИ ШАРТНОМАСИ №1

Бўстон шаҳри

" 19 " Январ 2022 йил

Бундан буён "Буюртмачи" деб аталувчи "Элликқалъа тумани тиббиёт бирлашмаси" номидан устав асосида фаолият юритувчи Х.Атаниязов бир томондан ва бундан буён "Етказиб берувчи" деб аталувчи "Жасур-бек йигит" МЧЖномидан устав асосида фаолият юритувчи Н.Джуманиязова иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Ушбу шартномага асосан буюртмачи махсулотни қабул қилади ва тўлайди, етказиб берувчи эса қуйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Баҳоси ҚҚС билан	ҚҚС Суммаси	Умумий суммаси ҚҚС билан
1	Нон (500гр)	Дона	3 000	1 400	183	4 200 000
	ЖАМИ					4 200 000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 4 200 000 (турт миллион икки юз минг) сўм.

1.3. Шундан ҚҚС суммаси 547 826 сўм.

2. Етказиб бериш ва ҳисоб-китоб шартлари.

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани ғазначилик бўлини масида рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 календар куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни махсулотларни олгандан сўнг 30 календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари етказиб берувчининг тегишли ҳисоб-варағига келиб тушган вақтдан бошлаб 5 календар куни ичида махсулотларни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ махсулотларни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" махсулотларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган махсулотларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманомада) кўзда тутилган бошқа талабларига мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, махсулотларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар "Етказиб берувчи" ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. "Буюртмачи"нинг розилигига кўра махсулотлар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган махсулот бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган махсулотларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган махсулотларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Буюртмачи" ҳисобидан махсулотларташиб келтирилганда, "Етказиб берувчи"дан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

"Етказиб берувчи"дан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат ассортиментини бўйича махсулотларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз махсулот етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш махсулот билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни беғараз бартараф этиш;

- "Етказиб берувчи" дан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган махсулотларни қабул қилиш;

- махсулотларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. "Етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- “Буюртмачи”дан олдиндан тўлов ва етказиб берилган махсулотлар учун якуний ҳисоб-китоб ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалдаги талаб ва шартларни талаб қилиш;

- “Буюртмачи”дан жойлаштирилган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган махсулотларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. “Етказиб берувчи”нинг мажбуриятлари:

- “Буюртмачи”га махсулотларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар махсулотларни етказиб бериш жараёнида “Етказиб берувчи” шартнома шартлари ва меъёрлардан ва/ёки ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда “Буюртмачи”нинг талаби бўйича ___-кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартномада белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари, талаблари ва ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. “Буюртмачи:

- Махсулотларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда махсулотларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун буюртмачи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) махсулотлар қийматининг 5 фоизи миқдориди, тез бузиладиган махсулотлар бўйича эса 10 фоиз миқдориди жарима тўлайди.

Махсулотлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари ушбу махсулотлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) махсулотлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида махсулотлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномаси тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

Етказиб берилган махсулотлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

4.3. “Етказиб берувчи”:

- Агар етказиб берилган махсулотлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи махсулотларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган махсулотлар қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундириб олишга, агар махсулотлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган махсулотлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.4. Махсулотларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, махсулот етказиб берувчи буюртмачига кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган махсулотлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни махсулотларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарари қоплашдан озод этмайди.

4.5. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган махсулотларни, шунингдек идишсиз ўралмаган махсулотларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган махсулотларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи буюртмачига бундай махсулотлар қийматининг 5 фоизи миқдориди жарима тўлайди. Махсулотлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда буюртмачи жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан махсулотларни ўрашга, идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан махсулотларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. Низоларни хал этиш тартиби

5.1. Келишмовчиликлар ва бахслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва бахсларни хал этиш учун бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иқтисодий судига мурожаат қилган тақдирда, сул иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. Форс-мажор

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажармаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод қилади.

6.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиий ҳодисалари (зидлзила, кўчки, бўрон, курғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (урушҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқуллодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар киради.

6.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. Бошқа шартлар

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Мазкур шартнома газначалик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил "31" декабаригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммасига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Етказиб берувчи»

«Жасур-бек йигит» МЧЖ

(махсулот етказиб берувчининг номи)

Манзил: Бўстон шаҳри Ўзбекистон кўчаси

Тел./факс: 97 348 44 22

х/в: 20208000204697932001

Банк номи: Халқ банки Эллиққалъа

МФО: 00646 СТИР: 300795554

ОКОНХ: 71280

«Буюртмачи»

«Эллиққалъа тиббиёт бирлашмаси»

(махсулот олувчининг номи)

Манзил: Эллиққалъа туман Бўстон шаҳри

Тел./факс: 61 5851350

ш/х: 100022860352507073101054001

Бюджетдан маблағ олувчи СТИР: 200914296

ОКОНХ: 91511

Газначилик бўлинмаси номи: Эллиққалъа туман

Газначилик бўлинмаси

Газна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент

МФО: 00014 газн-лик бўл-си СТИР 201122919

Раҳбар: Х. Атаниязов

М.Ў. (имзо)

Раҳбар: Н. Джуманиязова

М.Ў.

(имзо)

Ушбу шартнома амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29-август кунги қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларнинг талабларига мос равишда тўғри тузилган.

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi: Oldi-sotdi shartnoma

Ellikqal'a tumni tibbiyot birlashmasi va "Jasur-bek yigit" ma'sulyati cheklangan jamiyati o'rtasidagi 2022 yil 19 yanvar kungi №1-sonli 4 200 000 (turt million ikki yuz ming) so'mni tashkil qiladigan oldi-sotdi shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Ellikqal'a tumni tibbiyot birlashmasi bo'limi tomonidan 2022 yil 19 yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga 2022 yil 19 yanvarda kiritilgan.

4. Loyiha bo'yicha taklif va (yoki) e'tirozlar:

Loyiha amaldagi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 386-436 moddalari hamda 1998 yil 29 avgust kungi 670-I son "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonuni hujjatlarida.

Xo'jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak.

Xo'jalik shartnomasida hisob-kitob qilish tartibi belgilanayotganda tovarlar (ishlar, xizmatlar) haqini qonunchilikda belgilanganidan kam bo'lmagan miqdorda oldindan to'lab qo'yish albatta nazarda tutilgan bo'lishi kerak.

Xo'jalik shartnomasini tuzishda taraflar tegishli turdagi shartnomalar uchun ishlab chiqilgan hamda huquqiy ekspertizadan belgilangan tartibda o'tkazilganidan so'ng e'lon qilingan o'zlarining namunaviy yoki tipovoy shartlariga (shakllariga) amal qilishlari mumkin.

Loyixa qonun xujjatlarida ko'rsatilgan talablarga muvofiq ishlab chikilgan qabul qilish maqsadga muvofik.

Markaz bosh yuriskonsult



S.Nurmaxashev